остеотомия операцияси килганлардан бугим том кисмини тушиб кетишини кузатилган остеотомия операцияси пайтида бугим косачаси устидаги Еркин транслантат билан тулдириш керак экан, шундай килинганда чанок сон бугими латериал томонга ҳаракат килишдан ташқари бугим устки кисмини тушиб кетишини камаяди ва сон суяги бошчасини бугимда айланиши тикланар экан. Састер операциясида кушимча Le –Cover ков суяги шохини остеотомия килишни давом этряпти. Норв кустлар остидан остеотомия килинган церкуляр кесганда ташқаридан ва олдиндан кришнер стацалар ёрдамида маҳкамланган. Лекин операцияни бу тури адабиётларда жидда камдан кам берилган ва бу маълумотларни адабиётлардан тулик таполмаган. Ҳозирги пайтда адабиётларга ёритишга чанок–сон бугими эндопротези болаларда бугимининг оғир артрози, бугимнинг мутлок ҳаракатсизлиги ва бугимни анкилозига олиб келади. Эндопротез операцияси килингандан сунг эндопротез асффикация (суякланиши) 30 % га қупайиб кетади, шунинг учун ҳам операция килиш баҳосини пасайтирди. Адабиётларда ёритилган ҳар хил операциялар анализ килсак шуни қуриш мумкин. Қупчилик полиатив операциялар (том, ва пластик) фақат тарихий аҳамиятга эга булган. Охириги пайтда катта ёшли болалар сони тугма чиқиши билан кам муружаат қияпти. 1971 йилда 3-4 ёшли болаларда сон бошчасини очик усулда жойлаштиришини олдинги Латериал кесма билан олиб борган, бунга тугма чиқишини нотугри консерватив даволаши курсатма булла олади. Қупгина холларда бугим чуқурчасини катталигига формасига сон суяги проксимал охирининг номага нисбатан узоклаши кузатилган. Бунинг учун беморни даволаш тактикаси ва касаллик даражасига боғлиқ. Сон суягини проксимал кисмини деформациясида очик усулда жаррохлик йули билан тугриланиб уни коррекция килиш, бугим чуқурчасини деформациясида эса уни олиб ташлаш, даволаш асосан иккита боскичда олиб боради. Биринчи очик усулда жойига тугрилаш, 6–12 ойдан кейин бугимдан ташқари коррекция килиш (салтер ва Пемберген буйинча сон ва чанок суякларидан кутказилган

операция асосан олдинги ён кесиладан фойдаланади. Кесма олдинги юкори суяклардан то катта кустгача хамда кам ҳолатларда сонгача тушган. Институтларда 1963–1970 йиллари сони тугма чикишида калонна буйича бугим косасини ва мушаклар кесишини П.Я. Фищенко икки боскичда тугрилашни бошланган операцияга курсатма булиб 4 ёшдан –10 ёшгача болалар тугма чикишни юкори даражада яна 6 см, торси 65⁰ булса биринчи этапда Z –синон кесиб сони якинлаштирувчи мушаклари кесилади ва сон бошчаси бугим косачасида тушириш учун склет тортмада куйилади, сон бошчаси бугим чукурчасида тушгандан кейин иккинчи этап утказилади бунда колонка буйинча артропластика килиб очик жойида туширилади. Бунинг учун Оле– Мерфи –Лексера кесими утказилиб урта ва кичик думба мушаги катта кустда бирикадиган пайи ички ратация килувчи мушакларни Z – симон кесилиб уни жойини алмаштиришади (оркага сурилади).110 та операция булган болалардан (120 бугимда) 68 % ҳолатда яхши натижа 24 % коникарли ва 8 % ёмон натижа кузатган (Х.А.Умахон 1974).

Охирги пайтларда буни компонентини очик усулда коррекция килганда урта ёшдаги болаларда 7 ҳолатда очик жойлаштиришган.

1970 йилда институтларда П.Я. Фещенко тугма дисплазия ва сон бошчасини ярим чикишини хиари буйинча чанок суягида утказилган операциясини килинган буйича курсатма булиб бугим толини яхши ривожлантирмаганлиги ва астебуляр бурчакни 35⁰ дан катта булиши ва 7–8 ёшдаги болаларда сон буйинчаси нормада эмаслиги. Катта ёшдаги болаларда соннинг тугма чикишини очик усулда тугрилашдан кейинги асорати. 1950 – 1969 йилда Г.И. Турнер институтида 10 ёшгача булган 50 та беморга (6–7 бугим) сони тугма чикишини очик усулда операция килинган кундалиги. Соннинг тугма чикишини операция усулида даволаш .

Соннинг тугма чикишини очик жойлаштириш.Чанок сон бугимида тугма чикишни очик усулда жойлаштириш нисбатан сифати яхши метод

хисобланади. Чикишни очик жойлаштириш сон бошини ва кустни марказга тушириш хисобланади. Бунинг учун думбани урта ва кички мушакларини функционал ҳолатига боглик. Курсатма:

1. Мумкин булмаган ёки ёпик тугрилашни иложи булмаса;
2. Сон бошчасини жойига тушиши ёки кайта чикишида;
3. Ёпик жойлаштирилганда кайта чикиши.


\Операция турлари	Болалар сони	Операция натижалар.			
		Аъло	Яхши	кониқар	Коника рси
Болаларда соннинг тугма чикишини оддий очиб жойлаштириш.	2 5	0			3
Кустлар остидан кискартирувчи, деторсияловчи, варизацияловчи остеотомия килиб тугирлаш.	1 6	0			
Кустлар остидан кискартириб пешток таъмирланиб тугрилаш.	9				1

Жадвал-2


Купчилик авторларни фикрича бу операция асосан 2 ёшдан кейин килинади ва ундан катталарда ҳам Богдановни айтишича 2–3 ёшда бу операцияни

килиш анча оддий ва кулай. Сон бошчасини чукур чага тушиши асосан Никифорова Е.К. 3–7 ёшгача килинади деб ҳисобласа, Захренский 3–6 ёшли ҳисобланади. Бошка авторлар эса 3 ёшгача очик жойлаштиришни куллайди чунки антиторния ва инкилипация бурчаклари стабил ҳолатда бўлмайди. Кейсерни айтишича операция 2–4 ёшгача утказиш керак, чунки бундан кейин самарадорлиги кам. Операция техникаси: бугимга кириш асосан олдинги ва ички достав кесиши билан киришади. Кесиш асосан ички достав бўйича Оли–Мэрфи –Лексору. Загородничеку Ф.Р. Багданов Бароди. Олдинги ички достав кесиши купчилик авторлар Смит –Петерсону, Р.Р. Вредену бўйича берилади. Бугин ҳретасини очиш учун, чикиб турган сон бошчасига нисбатан кесилади ва ҳалакит бераётган нарсани олинади ҳамда сон бошчасидан утган бойлам кесилади, бунинг учун буни туқимасини саклаш керак, операциядан кейин оёғларга 1,5 халкали кокситли гиписли боғлама қўйилади.

Юкори бугимни чуқурчасини тамирлаш ва айвонча ҳосил қилиш. Бу операция чанок сон бугимидаги урганувчи ва ёрдамчи операция ҳисобланади агар сон бошчаси бугим чуқурчасини марказида жойлашган бўлса чанок–сон бугимидаги тугма чиқишларда Ушбу операцияси мустиқил равишда қўлланилиши мумкин. Ундан ташқари чанок –сон бугимида очик ва ёпик ҳолда детортцияловчи операция сони проксимал қисмида утказилади.



Детортциловчи остеотомия.



Курсатма: Бугим чукурчасида сон суяги бошчасини экцентрик жойлашиши. Тавсия ва клиникаси бурчагини нормада ошиши.

Инколяция бурчаги $40-45^{\circ}$ дан катта булса операцияга курсатма хисобланади (А.П. Биезин, Ф.Р. Багданов, К.В. Курлим).

Карши курсатма: умумий холсизлик, моддалар алмашинувини бузилиши, юрак ва упка касалликлар.

Бугин томонидан карши курсатмалар. Бугин юзаларини мос келмаслиги, юмшок тукумаларни интерпозицияси, бугим контрактураси.

Касални ёши: Vermbeck операцияси иложи борича эрта бошлаш керак асосан 2 ой–3 ёшгача.

Операцион техника: Яримойсимон кесма утказилиб, арбонт кесма хам кушилади. Катта кустни ажрашгандан кейин сон суягини курстлар ости майдончаси юмшок тукумалардан ажрашиш керак (6–8 см). Сон суягидан сони лотерал мушагини распатор билан ажратилиб медиал томокда сурилади. Шунинг дек катта думба мушакларини толалари ажратиб оркада сурилади. Кейин остеотомия килинади. Катта кустдан кичик кустга караб остеотомия килинади. Марказий булса бугим чукурчасида ков томонидан тугри жойлаштиради. Оёгга тугри холат берилади суяк булаклар бир бирига мос келмайди ваш у холатда олинадиган пана улчами ва таги билан араланади.

Сулак булаклари сил, мик, махсус скобалар билан бирлаштиради, баъзи авторлар фиксация учун пластика ишлатилади. Фиксация учун суяк ситифта ишлатилади. Ажратиб олинган катта куст жойига мехкамланади. Операция килинган оёг 7–8 хафтада гипсли коксетда махкамланади.

Кустлар остида остеотомия.1982 йилда Кирлисон якинлаштирувчи контрактураларда кустлар узра остеотомия килишни таклиф килинган.

II БОБ. МАТЕРИАЛ ВА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ.

2.1. БЕМОРЛАРНИ УМУМИЙ КЛИНИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ.

Шифохонанинг болалар ортопедияси булимида 2013-2016 йиллар бизнинг кузатувимизда оператив усулда даволанган 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 51 бемор даволанди.

Даволаш жараёнида барча беморлар клиник, рентгенологик, мульти спираль компютер томография ва лаборатор текширувлардан утказилди.


Касаллик анамнезини йиғишда бола онасидан касалликнинг оиласида учраганлиги ёки кузатилганлиги, онанинг хомиладорлик даврини қандай утганлиги, жароҳат олганлиги ёки йукми, болани тугилиш жараёнини қандай утганлиги бирор бир касаллик билан касалланганлиги, амбулатор бирор усулда даволанганлиги ва хоқозо аникланади.

Кузатувимизда бўлган 51 бемордан 13 таси (25,5%) угил болалар, 38 таси киз (74,5%). Икки томонлама чиқиш 33 та (64,7%), унг тамонлама чиқиш 7 та (13,7%), чап тамонлама 11 болада (21,5%). (3-Жадвал). 3 ёшгача бўлган беморлар 21 та (41,2%), 4-5 ёш болалар 17 та (33,4%), 6-8 ёш болалар. (3-Жадвал) 4та (7,8%) оиласи (кариндошлари) да сонниг тугма чиқиши 10 болада (10%) кузатилга. 7 болада (7%) таянч ҳаракат аъзоларининг бошқа тугма касалликлари, тугма маймоқлик, тугма мушакли буйин кийшиклиги кузатилган 3 беморда (3%) бугим девори ва бойламларининг заифлиги аникланган.

**БЕМОРЛАРНИНГ ЁШИ ВА ЖИНСИГА КУРА
ТАКСИМЛАНИШИ.**

Ёши	Угил болалар		Киз болалар		Жами
	Сони	%	Сони	%	
3 ёш	3	5,8	17	33,3	20
4-5 ёш	5	9,8	13	25,5	18
6-8 ёш	2	3,9	2	3,9	4
9-11 ёш	1	1,9	-	-	1
12-15 ёш	2	3,9	6	11,7	8
Жами	13		38		51
		25,5%		74,5%	


Жадвал-3



**БЕМОРЛАРНИНГ ЁШИ ВА КАСАЛЛИК ТОМОНИГА КУРА
ТАКСИМЛАНИШИ.**

Ёшга кура (ойларда)	Икки томон лама	%	Чап томон	%	Унғ томон	%	Жами
3 ёш	22	43,2%	2	4%	-	-	24
4-5 ёш	8	15,6%	5	10%	2	4%	15
6-8 ёш	-	-	2	4%	2	4%	4
9-11 ёш	-	-	-	-	1	2%	1
12-15 ёш	3	5,8%	2	4%	2	4%	7
Жами	33	64,7%	11	22%	7	14%	51

Жадвал-4



Думбаси билан тугилганлар 6 та (12%), оёғи билан 5 та (10%) бола, боши билан 35 та (70%) бола тугилган. 4 бола (8%) кесервадан сунг даволанган. Кузатилган болаларнинг 14таси (28%) киш мавсумида тугилган, 11 таси (22%) ёзда, 16 таси (32%) кузда ва 10 таси (18%) баҳорда тугилган маълумотлардан куришиб турибдики соннинг тугма чикиши билан тугилганлар купрок куз ва киш мавсумида тугилган (Жадвал-5).

. Мазкур маълумотларни муалифлар ҳам таъкидлашади. [Малахов О.А., Крамина С.Э.2006, Стельмах П.К. 1985, Шенгелия М.И. 1977]

БЕМОР БОЛАЛАРНИНГ ФАСЛИНИНГ КАЙСИ ОЙЛАРИДА ТУГИЛИШИГА КАРАБ ТАКСИМЛАНИШИ.

70												
60												
50												
40												
30												
20	4	5								6		5
10			3	4	3	4	2	5	5		5	
0	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII

Жадвал-5

Биз клиник текширилиб соннинг тугма чикиши аникланиб даволанаётган ва даволанишга мурожат килаётган барча беморларни ортопедик ва неврологик эхтимолий беморларни невропатологлар ёрдамида куриқдан утказдик.

Биз мазкур текширув жараёнида куйидаги муоммоларни ечимини аниёклашга ҳаракат килдик.

1. Соннинг тугма чикиши аникланган бемор болада неврологик касаллик мавжудми?

2. Неврологик касаллик ортопедик касалликнинг сабабчисими ёки йук.

3. Аникланган неврологик касалликка сабаб булган омиллар

Мазкур муоммоларни аникаб тахлил килишда мавзуга боғлиқ беморларни уч гуруҳга булдик.

1-гуруҳ. Соннинг тугма чикиши ортопед томонидан аникланган ва неврологик касаллик йук (истисно килинган).

2-гуруҳ. Соннинг тугма чикиши бор ва неврологик бузилиш ҳолати енгил даражада мавжуд.

3-гуруҳ. Соннинг тугма чикиши неврологик касаллик билан биргаликда мавжуд булган беморлар.

Беморларни куриқдан утказишда перинатал анамнезга катта этибор берилди. Кузатилган 51 бемор боланинг 19 тасининг онасида хомиладорлик муътадил кечган. Колган барча 32 онада турли хил асоратлар кузатилган. Жумладан токсикоз, хомиланинг тушиш хавфи, буйрак хасталиги. Шулардан факат 26 она мазкур касалликлар билан стационар шароитда даволанган. Шунини таъкидлаш лозимки, маъзкур оналарнинг 47 тасида камконлик касаллиги аникланган. Мазкур оналардан тугилган бемор болаларнинг акушерлик анамнези ҳам узига хос кечган. Жумладан, 7 онада тугилиш жараёни муътадил кечган. 40 онада тугрук жараёни турли узгаришлар билан кечган, яъни тугрук жараёни жуда тез, муътадил ёки кийин тугилиш ва ҳаракат аъзоларининг жароҳатланиши билан утган.

Неврологик текширувда биз асосан оёқларда фалажланиш бор йуклигига катта этибор бердик ва 2 бемор оёқларида фалажланиш аникланган. 13 бола оёқларида периферик характердаги суст заиф фалажланиш аникланган булиб, 9 тасида факат бир оёқда, 4 тасида иккала оёқ суст фалажланиши

кузатилган ва мазкур болаларда икки томонлама тугма чикиш билан даволанган. Мазкур беморларнинг оёқларидаги тонус ва рефлекслар сустлашган. Сон ва тизза бугимларида ҳаракат амплитудаси меъёридан ортик бўлган.

7 бола оёқларида спастик парез аниқланган бўлиб, уларнинг 2 тасида парапарез, 5 тасида монопарез. Агар оёқларда суст даражадаги фалажланиш учоги орқа миёнининг бел соҳасида (Адамовичнинг артерияси бассейни) жойлашган бўлса, спастик фалажланишларда патологик учок орқа миёнининг кукрак қисмини ҳам камраб олади. Мазкур ҳолларда клиник манзара узиға хос: бунда оёқ мушаклар тонуси зуриккан, сонни ташқарига қериш ҳаракат ҳажми чекланган. Мазкур беморларнинг клиник манзараси узиға хос бўлиб уларнинг барчасида мушаклар гипотонияси бўлиб бугимларда рекурвация кузатилган. Уларнинг барчасининг сон бугимларида ҳам ортикча ҳаракат кузатилиб тугма чикиш ва ярим чикишлар аниқланган.

2.2. ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ

2.2.1. КЛИНИК ТЕКШИРУВЛАР:

I. Эрта яъни чакалоқларда кузатиладиган белгилари:

1. Шилқиллаш белгиси — буни сирғалиш, жойлаштириш ва қайта чикиш, тургунмаслик, автор буйича «**Путти-Маркс-Ортолани**» белгиси ҳам деб юритилади. Болани юқоридагидек буқилган оёқларини чанок-сон бугимида абдукция ҳолатига олиб кела бошласак шилқиллаган товуш эшитилади. Бу чиқиб турган сонни бошини бугим чуқурчасига қирганини билдиради. Бу белги чақолоқнинг 5 – 7 кунлигигача аниқланади. Лекин баъзибир болаларда мушак гипотонияси бўлса, 1 - 3 ойгача ҳам кузатилиши мумкин. Бу белги сонни тугма чиқишини энг асосий белгиси ҳисобланади. (1-2-расм)



1-расм. Маркс-Ортолани белгиси.




2-расм

2. Сонни ташкарига керилишини чегараланиши — бу белгини куйидагича аниклайдилар — бола оркаси билан ёткизилиб чанок-сон ва тизза бугимларида тугри бурчак остида букилади ва аддукция килина бошланади.

Соглом болаларда сонни 80 – 90°гача абдукция килиш мумкин. Касал оёкда бу ҳаракат кескин чегараланган булади. (3-расм).

Унг сон суягини ташкарига керилишининг чекланиши



3-расм

Чиккан оёкни калталиги (нисбий, дислокацион калталиқ).



4-расм

**Чиккан оёкни
ташқарига буралиб
ётиши.** Бу белги бола
ухлаб ётганда жуда
яхши куринади.



*Икала оёк кафти
ташқарига буралиб
ётибди.*

5-расм. Чиккан оёкни ташқарига буралиб ётиши.

Соглом болаларда сонларни олдинги-ички юзасида учта тери бурмаси кузатилади (чов, аддуктор, тизза усти). Булар икки тарафда ҳам бир-бирига тугри келади. Чиккан тарафда бу бурмалар сон жихатидан купайиши ёки чуқурлашуви ва узунлашуви мумкин. Бу белги касалликни асосий белгиси эмас. Касалларни 2/3 қисмида ва соғлом болаларда ҳам учраши мумкин. Болани орқа томондан қаралганда сонни чиқиши булганда думба бурмаларини асимметрияси кузатилади.(6-расм)




6-расм Сон ва думба тери бурмаларини нотекислиги

II. Кеч пайдо буладиган белгилар: Юкорида курсатилган белгилардан "шилкиллаш" белгисидан ташқари, хаммаси кузатилиши билан бирга, куйидаги кушимча белгилар пайдо булади:

- 1. Юришни бошланишини кечикиши.**
- 2. Чиккан оёкка оксаб юриш, агар икки томонлама чикан булса, "урдакка ухшаб юриш" белгиси.**

3. Тренделенбург белгиси — агар болани соглом оёкка тургизиб иккинчи оёгини (касалми, согломми фарки йук) чанок-сон ва тизза бугимларида букиб кутарилганда, кутарилган оёк томондаги думба бироз юкорига кутарилади ёки иккаласи ҳам баравар туради. Бемор чиккан оёгига тикка туриб иккинчи оёгини юкоридагидек букиб кутарса кутарилган оёк томондаги думба пастга осилиб туради. Бу белги сон чиканда пельвиотрохантер мушакларини функциясини бузилишини курсатади. (7-расм)




а). Унг томондан Тренделенберг аломати манфий.

б). Чап томондан Тренделенберг аломати мусбат.

7-расм.

4. Чиккан сонни катта кусти Розер – Нелатон чизигидан юкорида туради. Бу утирув думбоги билан ёнбош суягини олдинги юкори буртикини бирлаштирувчи чизик. (8-расм).




**Розер-Нелатон
чизиги:
а) соғлом
б) чиккан**

8-расм

5. Шемакер чизиги сон чиккан тарафда киндикдан пастдан утади.


Катта куст билан ёнбош суягини олдинги юкори бурти-гини бирлаштирувчи чизик булиб, чикиш булмаганда киндикни устидан утади.(9-расм)



9-расм


6. Бриан учбурчагини томонларини тенглиги бузилади. Бу учбурчак сонни укини юкорига давом килдириб шу укка ёнбош суягини олдинги юкори буртигидан перпендикуляр туширилса ва шу буртикни катта куст билан бирлаштирилса томонлари тенг учбурчак хосил килади. (10-11-расм)

Норма



10-расм

Патология




11-расм

7. Чиккан тарафда сон артериясини "томир уришини йуколмаслик" белгиси. Агар чикмаган оёкда сон артериясини Скарповский учбурчагида каттик босилса артерияни томир уриши йуколади, сон чиккан булса артерияни томир уриши йуколмайди.

8. Компенсатор сколиозни пайдо булиш белгиси.

9. Бел сохасидаги лордозни кучайиши (агар иккала сон хам чикан булса).



12расм. Дюпюитрен белгисини кузатиш.

10. Дюпюитрен белгисини кузатилиши — оёкка товон сохасида уз уки буйича босилса, юкорига пастга силжийди (пружина симон харакат), бу соглом оёкда кузатилмайди. (12-расм)

2.2.2. СОННИНГ ТУГМА ЧИКИШНИ РЕНТГЕНОЛОГИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ.


Чанок-сон бугими дисплазиясини аниклашда абсолют клиник белгиларнинг йуклиги объектив текшириш усуллари куллашга мажбур килиб қуяди. Бугунги кунда касалликни объектив текширишнинг асосий усули рентгенологик текшириш ҳисобланади.

Купгина муаллифлар касаллик эҳтимоли кузатилганда чанок-сон бугимини олд-орка проекцияда рентген тасвир куллашни тавсия қилишади. Мазкур текшириш осон ва қулай булганлиги учун асосий текшириш усули ҳисобланади. [Краснов А.Ф., Котельноиков Г.П., Иванова К.А. 1989.]

Шу билан бирга тугма чиқиш ва ярим чиқишни рентген тасвирдан фарк қилиш осон булсада, лекин дисплазиянинг оддий формаси билан муътадил бугимни, айниқса касаллик икки томонлама характерда булгада бир-биридан фарк қилиш қийин. Шунинг учун ҳам чанок-сон бугими компонентларини баҳолашда куплаб схема ва сонлар ёрдамида ҳисоблаш усуллари турли муаллифлар томонидан тавсия этилган.

Амалиётда L. Ombredanne таклиф этган усул купрок кулланилади. Муаллиф У-симон тоғайлар оркали горизонтал йуналишда ҳамда қуймич пешток киррасидан вертикал йуналишда чизик утказиб бугим ҳолатини баҳолайди. Муътадил бугимда соннинг проксимал қисмининг суякланиш узаги горизонтал чизикдан пастда ва вертикал чизикдан ичкарида туриши лозим. Соннинг тугма чиқишида сон бошчасининг суякланиш узаги вертикал

чизикдан ташкарида ва горизонтал чизикдан юкорида, ярим чикишда – вертикал чизикдан ташкарида ҳамда горизонтал чизикдан пастда булади (13-расм).



Расм-13. L. Ombredanne чизмаси.


L. Ombredanne чизмаси ёрдамида рентген тасвирда суякланиш узаги яккол куришиб латеропозицияда турган булса баҳолаш осон. Лекин, куймич пешток яссиланиб колганда, ташки вертикал чизикни утказиш ва бугим холатини баҳолаш кийинлашади. Шунинг учун ҳам мазкур чизма кукрак ёшидаги болаларда куймич пешток яссиланиб колиши кузатилганда куллаш самарасиз. G. Perkins таклиф этган чизма ҳам худди шундай самарасиз. [Беренштейн С.С. 1991, Воскис Х.Я. 1995, Гончарова М.М., Каленов В.Е., Иванова К.И. ва бошк. 1974.]

V. Putti бир ёшгача булган болаларда рентген тасвирни баҳолаб тахлил килиш чизмасини таклиф этди. Лекин мазкур усул бугим компонентларининг диспластик ривожланишини баҳолаш усулини мушкуллаштиради. Айниқса, куймич косача овалсимон шаклда булиб куймич пешток яссиланган булса

мазкур усулни куллаб бугим пештогини баҳолаб булмайди. [Краснов А.Ф., Котельноиков Г.П., Иванова К.А. Ортопедия. 1989.]

С.А. Рейнберг кукрак ёшидаги болалар чанок-сон бугимининг рентген тасвирини баҳолаш усулини таклиф этди. Муаллиф маълумотларига кура, мазкур усулни бир томонлама чиқишларда куллаш маъкул. Лекин, куймиш пешток яссиланиб қолган ҳолатларда ва бир-уч ойлик болалар рентген тасвирини баҳолашда мазкур усул қул келмайди. [Вовченко А.Я., Куценко Я.Б. 2012, Краснов А.Ф., Иванова К.А. 1983.]

Н. Hilgenreiner соннинг тугма чиқишининг янада аниқроқ аниқлаш усулини тавсия этади. Мазкур усул ёрдамида куймиш пешток ривожланиш ҳолатини ҳамда соннинг проксимал учлигини силжиш даражасини бир вақтда баҳолаш мумкин. Р. Erlacher Hilgenreiner чизмасини мувофиқлаштиради. Hilgenreiner-Erlacher чизмаси соннинг тугма чиқишини баҳолашда бугунги кунда кенг қулланилади. Лекин, икки томонлама тугма чиқишни баҳолашда мазкур усулни қуллаш қийинчилик тугдиради. Чунки, ҳар бир бугим элементини ва боланинг индивидуал ривожланиш хусусиятини ҳисобга олиб куллаб булмайди [Вовченко А.Я., Куценко Я.Б. 2012, Круминь К.А., Ястер Д. 1986.] (13-расм).



Расм-14. Hilgenreiner-Erlacher чизмаси.

L. Andren va S. Rosen соннинг тугма чикишини баҳолашнинг оддий усулини тавсия этишди. Мазкур усул соннинг тугма чикишини сон бошчасини куймич косачада жойлашган урнига баҳолаш имкониятини беради. [Атманский И.А. 2006, Жоденов И.И., Ковалев И.Д. 2010.]

G. Kaiser (1958) таклиф этган чизма буйича сон бошчасининг юкорига силжиш даражасини баҳолаш мумкин. Кукрак ёшидаги болалар рентген тасвирида сон бошчаси ёпкич тешигининг юкори сатхида, чикишда эса янада юкорига силжийди. [Ватолин К.В., Гуревич А.Б. ва бошқалар. 2011]

А. Редулеск 2-3 ойлик болалар чанок-сон бугимининг рентген тасвири-ни баҳолашнинг оддий усулини таклиф этди. Куймич суяги юкори сахтидан ёнбош суяк томон чизик утказилади. Соглом болада мазкур чизик куймич пешток юкори чеккасидан утади. Тугма чикиш ёки ярим чикишда мазкур чизик куймич пешток киррасининг юкори ёки остидан утади. Лекин мазкур усул ёрдамида чанок-сон бугимининг оддий дисплазиясини баҳолаб булмайди. В.И. Садофьева (1965) таклиф этган усул ёрдамида кукрак ёшидаги болалар рентген тасвиридан соннинг проксимал учлигининг силжиш даражасини баҳолаш мумкин. Сон буйинчасининг юкори ва пастки контуридан куймич пешток томон чизик утказилади. Муътадил бугимда латерал чизик куймич пешток сатхидан ташкарига чикмайди, ярим чикишда ташкаридан утади. Медиал чизик куймич пештогининг медиал сатхидан утади. Тугма чикишларда эса иккала чизик ҳам куймич пешток ташкарисидан утади. Мазкур усул ёрдамида номутаносиб бугимларни баҳолашда самарали хисобланади. [Ватолин К.В., Гуревич А.Б. ва бошқалар. 2011, Консевников В.В., Осипова А.А., ва бошқалар. 2012.]

М.Н. Гочарова, В.Е. Каленова ва В.И. Садофьева таклиф этган усулдан фойдаланишади. [Ватолин К.В., Гуревич А.Б. ва бошқалар. 2011, Краснов А.Ф., Котельноиков Г.П., Иванова К.А. 1989.]

Мазкур усул ёрдамида куймич пешток бурчаги, вертикал мутаносиблик бурчаги сон бошчасининг куймич пешток билан копланиш даражаси, куймич пешток шакли, куймич пешток киррасининг шакли (ясси, илмоксимон ва х.к.) бахоланади. Купинча мутахассисларнинг фикрича мазкур усул Helginreiner схемаси билан биргаликда кулланилса чанок-сон бугими дисплазияси ва тугма чикишни бахолашда энг кулай рентгенологик усул деб хисоблашади. Лекин мазкур усул куплаб чизмалар чизиб сонлардан фойдаланишни талаб килади ҳамда мазкур курсаткичлар бир хил ёшдаги болаларда турли хил натижалар беради. [Вовченко А.Я., Куценко Я.Б. 2012, Краснов А.Ф., Котельноиков Г.П., Иванова К.А. 1989, Круминь К.А., Ястер Д. 1986.]

Чанок-сон бугими дисплазияси ва тугма чикишни рентгенологик текширишлар юкори самарадорлиги билан бирга маълум камчилик ва кийинчилик томонлари ҳам бор.

Биринчидан, бир-уч ойлик болалар чанок-сон бугим элементлари тогайли тукималардан иборат булгани ва суякланмаганлиги учун рентген тасвирда курынмайди ва куллаш самарасиз хисобланади. [Кадыров М., Дусмуратов А.М., Ахтамов А. 1990.]

Иккинчидан, сон бошчаси ва куймич пештогининг ривожланишдан оркада қолиши ҳамда рентген тасвирда факат суякли компонентларнинг курниши бугимнинг тогайли каватининг ривожланишидаги бузилишларини бахолашга имконият беролмайди.

Уч ойлик булган болалар чанок-сон бугимининг рентген тасвирдан муътадил бугим ва дисплазиянинг кичик даражасидаги бузилишларини фарк қилиш кийин. Тавсия этилган рентген тасвирни бахолаш усуллари бир-биридан мукамал ва хатто бир-бирига зид курсаткичларки, уни куллаш кундалик амалиётда кийинчилик тугдиради. [Беренштейн С.С. 1991, Ветлова Н.А., Киселева Н.В. 1983.]

Яна шуни таъкидлаш лозимки, рентген тасвир килинадиган сохада жинсий аъзолар жойлашганки улар рентген нурига жуда таъсирчан ва бу ҳолат динамикада такрорий рентген текширувлар утказишни маълум микдорда чеклаб қуяди.

Шунинг учун ҳам бугим ҳолати тугрисида энг аниқ батафсил маълумотларни артрография куллаш ёрдамида олиш мумкин.

Артрография сон бошчасининг хакикий шаклини, бугим халтасининг торайиш даражасини, лимбус ҳолатини, гипертрофияланган қушувчи ва ёғ туқималар борлиги ёки йуклиги хақида аниқ маълумот беради. [Маёров А.Н.2009.]

Лекин кичик ёшдаги болалар бугим хажмининг кичиклиги, деворининг нозиклиги унинг осон жароҳатланишига мойиллик курсатади. Шу билан бирга артрографияда уч-турт ойлик болалар учун нурланиш даражаси катта, ҳамда бугимда яллигланиш жараёни ривожланиш хавфи ҳам бўлади. [Маёров А.Н.2009.]

Юқорида қайд этилган маълумотлар шуни курсатадики 3 ойликгача бўлган болаларда клиник ва 4 ойлигидан рентгенологик текширувларга асосланиб чанок-сон бугими дисплазиясини аниқлаш ва баҳолаш усуллари самарасиз бўлиб қолади. Охириги йилларда мутахассислар чанок-сон бугими дисплазиясини эрта аниқлаш ва баҳолашда энг самарали ва қулай бўлган ультрасонография усулидан кенг фойдаланмоқдалар. Мазкур усул бугимнинг юмшоқ ва тоғайсимон туқималарининг ҳолатини аниқлашда жуда самарли ҳисобланади.

Компьютерли томография ва магнит-резонансли томография усулларида фойдаланиб бугимнинг юмшоқ туқималарини тасвирини олиш жуда қулай лекин қимматлиги учун оммавий равишда фойдаланиб бўлмайди.

Ультрасонографик текширувларда сохта маълумотлар улуши унча катта эмас. Солиштирма текширув маълумотлари шуни курсатадики, артрографияга нисбатан 0,78, компьютерли пневмоартрографияга нисбатан 0,75

коэффициентга эга. Шунинг учун кенг кулладда фойдаланишга тавсия этилади.

Ультратовуш текширувини Н. Kramps ва Е. Lenschov биринчи булиб ортопедияда кулладилар. Юмшок тукималарнинг ультратовушли тулкинларини ютишини суяк тукималарини эса акс товуш бериш хусусиятини R. Graf (1984) чанок-сон бугими дисплазиясини эрта аниклашда куллади. Кейинчалик эса чанок-сон бугимини текшириш усулларини хамда диспластик бугимнинг ультрасонографик классификациясини таклиф этди. [Вовченко А.Я., Куценко Я.Б. 2012, Волков М.В. Б. Фрейка. 1969.]

Катта бугимлар сонографиясига багишланган ишлар катта техник имкониятларга эга булишига карамасдан, амалиётда коникарли ахволда фойдаланилмокда деб булмайди. Америка ва Европа давлатларида мазкур йуналишда 25 йилдан буён иш олиб борилаётган булса, бизда охирги 10 йилликда мазкур йуналишда анчагина илмий ишлар амалга оширилди.

Шунга карамасдан артросонография, компьютер томография ва МРТдан фойдаланиб текшириш усулларининг самарадорлигини ошириш ва амалиётга кенгрок тадбик этишни такоза этади.

Ультрасонография усули собик итифок миккиёсида 1980 йилдан буён кулланилаётганлигига карамасдан, амалиётда бугунги кунда ортопедия соҳасида янада кенгрок тадбик этишни такоза этади.

Купинча муаллифларнинг маълумотларига караганда R.Graf усулида артросонграфия бугунги кунда текширишнинг энг арзон ва кулай хамда самарадор усули хисобланади. [Маёров А.Н.2009.]

R. Graf (1984) усулида чанок-сон бугими бола ёнбош ҳолатда тизза бугими 20-30° букилиб ёткизилган ҳолатда текширилади. Датчик катта куст оркали фронтал йуналишда текширилади. Олинган тасвирдан бугим пештогининг суяк ва тоғайли каватларини яссилик даражаси сон бошчасининг тоғайсимон (суякли) шакли, жойлашган ҳолати, муътадил

бугим ёки дисплазия даражаси аник бахоланади. [Вовченко А.Я., Куценко Я.Б. 2012.]

Бугимнинг ривожланиш жараёнида ҳам сон бошчасининг шаклланиш жараёни шарсимон ёки овалсимон шакли бугим мутаносиблигини динамикада текшириб бахолаш мумкин. Бугим мутаносиблигини бахолашда С. Morin ва бошқалар таклиф этган усулдан фойдаланиб бахолаш мумкин. Мазкур усул ёрдамида бугимнинг суякли ва тоғайли стабиллик коэффиценти бахоланади. Коэффициентнинг ошиши даволашнинг самарадорлигидан далолат берса, коэффициентнинг узгармаслиги ёки камайиши даволашнинг самарасизлигидан далолат беради. Сон бошчасининг куймич косачасида жойлашув ҳолатини ва ташқарига силжиш даражасини Т.Terjesen усулида бахолаш мумкин. Бунинг учун сон бошчаси марказидан ёнбош суяк ташки сатҳи томон горизонтал йуналишда чизик утказиб бахоланади (асосий чизик). Муътадил бугимда сон бошчаси марказидан утувчи чизик асосий чизик остидан утади.

М. Zienger, R.D. Schulz чанок-сон бугимининг стабиллик индексини аниклашни таклиф қилдилар. Муътадил бугимда мазкур стабилликнинг индекси 45-50 га тенг ёки катта булади. Ультрасонографик текширувларнинг устунлиги шундаки мазкур усул зарарсиз, нурланиш эҳтимоли йук. Рентген тасвирда қуринмайдиган туқималарнинг қуриниши, бир вақтада бир неча марта қуриш мумкинлиги, оммавий қурик утказиш имкониятини борлиги, қарши курсатмалар ва йирингли асоратларнинг бўлмаслиги ҳамда аник маълумотлар олиш имкониятини беради. [Кожевников О.В., Кралина С.Э., Иванов И.В., Грибова И.В. 2008, Лобов И.Л., Кульбанская С.Е., Уронова М.А.2009.]

Сонограммада бугимнинг тоғайли элементларининг тула-туқис қуринишига қарамасдан, муаллифлар бугим компонентларининг анатомик номутаносиблигини бахолаш билан чекланиб қолмоқдалар. [Кожевников О.В., Кралина С.Э., Иванов И.В., Грибова И.В. 2008.]

Чанок-сон бугимининг ультрасонографик текширув усуларининг ҳеч бирида сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашнинг метрик усуллари мавжуд эмас. Ундан ташқари, бугим атрофида жойлашган периартикуляр туқималар (мушак, пай, фасция, ёғ туқималари, қон томирлари) ҳолатининг тасвири олинмайди ва баҳоланмайди. Ҳатто, ультрасонографиянинг энг катта ютуқларидан ҳисобланадиган доплерография ёрдамида бугимнинг гемодинамик ҳолати баҳоланмайди. Ҳолбуки, соннинг тугма чиқишини даволашда энг қўл келтириладиган асептик некроз каби асоратлар патогенези қон айланишининг бузилиши билан боғлиқ.

Чанок-сон бугими дисплазиясини сонографик классификацияси қўллаб-қўлланган тип ва кичик типлардан иборат. Ҳолбуки, касалликни даволаш усуллари эса барча типлар учун қарийиб бир хил.

Ҳулоса қилиб айтганда, сонографик классификациялар бугимнинг энхондрал ривожланишининг динамик жараёнини ақс эттириб қўпроқ илмий аҳамиятга эга ва амалиётда қўллангилари.

Шуни ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида қайд этилган барча муаллифлар томонидан таклиф этилган усулларнинг ҳар бири қенг қўламда қўриб чиқилиб таҳлил қилиниши, урганилиши ва амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

III БОБ. ОПЕРАТИВ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ.

3.1 МАТЕРИАЛ ВА ТАДКИКОТЛАР УСЛУБИ.

Соннинг тугма чикишини жаррохлик усулида даволаш ортопедиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Унинг мураккаблиги анатомик жihatдан чанок-сон бугимининг турлича тузилишига боғлиқ.

Хирургик усулда оптимал даволаш усулини билиш учун хирург рентген анатомия, диспластик чанок-сон бугимининг прогнозлаш усуллари назарий ва амалий жihatдан яхши билимга эга бўлиши зарур. Шу билан бирга сон мушаклар тизимининг мураккаблиги, бугим соҳасида кон-томир ва нерв шохларининг қўлиги, бугим архитектоникасининг мураккаблиги, реконструктив операцияларни бажаришни техник жihatдан қийинлаштиради ва травматик бажаришни тақозо этади.

Тактик жihatдан қўзатиладиган ҳатолар бу чанок суягини остеотомия қилиш усулини тўғри танланмаслиги, операция моҳиятини, уни бола ёшига муносиб қўллаш чегаралари, бугимнинг анатомик турли вариантларини, бугим декомпрессиясини бартараф этадиган даражада чанок суягини коррекция қилинмаслиги, патологик антиверзия ва вальгусни бартараф этмаслик, бугим ичи тусиқлар борлигини билмасдан бугим ҳалтасини очмасдан операцияни бажариш натижаларида асоратлар улуши қўпаяди.

Соннинг тугма чикишини оператив усулда даволашда ортопедик вазифалар қўйидаги тартибда бажарилди.

1. Бугим компонентларининг регенератив трофик жараёнларни стимуляция қилиш.
2. Чанок-сон бугими мушакларининг функционал қувватини ошириш;
3. Тугма чиққан сон бугим компонентларини янги анатомик муҳитга мослашувларини таъминлаш.
4. Бугимнинг функционал ҳаракат қўбилатини яхшилашга қаратилди.
5. Бизнинг қўзатувимиз бўйича вилоят травматология ортопедия шифохонасини болалар ортопедия бўлимига 3 ёшдан –15 ёшгача бўлган болаларни соннинг тугма чикишини жаррохлик усулида даволанганлардан 51 та беморни қўзатдик. Шундан 15 таси сони тугма чикишини оддий очиб

жойлаштириш операцияси утказилди, 19 тасида икки томон сони тугма чикиши булган болаларда чап томонлама жаррохлик усулида бугимдан ташкари деторцияловчи варизацияловчи кискартирувчи остеотомия килиниб бугим пештогини тамирланган, 17 та беморда кустлар остидан кискартирувчи деторацияловчи варизацияловчи остеотомия килиниб бугим очилиб жойлаштириб, пешток таъмирланган (Крюк усулида).

6. Мазкур илмий иш Самарканд вилоят травматология ва ортопедия шифохонасининг болалар ортопедия булимида 2013–2016 йиллар давомида «Соннинг тугма чикиши» ташхиси билан жаррохлик усулида даволанган 51 та беморни клиник, рентгенологик ва лаборатор текшириш натижаларига асосланган.

7. Беморларнинг 38 таси (74,5%) киз болалар 13 таси (25,5%) урил болалар эди.

8. Беморларнинг 11 тасида (21,5 %) чап томонлама, 7 тасида (13,7%) урил томонлама, 33 тасида (64,7%) икки томонлама тугма чикиш аниқланган.

9. 3 ёшгача булган беморлар 21 та (41,2%), 4-5 ёш болалар 4-5 ёш болалар 17 та (33,4%), 6-8 ёш болалар 4та (7,8%), 9-11 ёш болалар 1 та (2%), 12-15 ёш болалар 8 та (16%). Беморларнинг барчасида клиник, рентгенологик ва лаборатор текширувлар утказилди, барча беморлардан тулик маълумотлар йирилди. Беморларнинг 25 тасида соннинг тугма чикишини жаррохлик усулида оддий очиб жойига солинган. 16 тасида кустлар остидан кискартирувчи, варизацияловчи деторсияловчи остеотомия килиниб пешток тамирланган, 9 тасида ҳам кустлар остидан кискартирувчи, деторцияловчи варизацияловчи остеотомия килиниб бугим очилиб косача тозаланиб пешток таъмирланган.

№	Операция усули номи.	Операция сони	%
1	1 оддий очиб жойлаштириш операцияси.	25	49%
2	кустлар остидан кискартирувчи, деторцияловчи варизацияловчи остеотомия	16	31%
3	кустлар остидан кискартирувчи деторцияловчи, варизацияловчи остеотомия килиниб бугин чукурчаси тозаланди ва пешток томирланди	10	20
Жами		51	100 %


Жадвал-6

3.2. СОННИНГ ТУГМА ЧИКИШНИ ОПЕРАТИВ ДАВОЛАШ

НАТИЖАЛАРИ.

Рентгенологик текширувлар асосида соннинг тугма чикишнинг кулдаги турларини аниқланган.

Утказилган даво натижасида беморларнинг 25 тасида оддий очиб жойлаштириш операцияси утказилиб 15 тасида (60%) яхши, 7 тасида (28%) коникарли, 3 тасида (12%) коникарсиз натижалар олган бўлиб шундан 3 таси бугим пештоки тамирланмаганлиги учун кайта колдикли ярим чикиш кузатилган.



16 та беморларда кустлар остидан кискартирувчи, детортцияловчи варизацияловчи остеотомия килиниб 10 тасида (62,5%) яхши, 4 тасида (25%) коникарли, 2 тасида (12,5%) коникарсиз натижалар олинган. 1 та сон бошчаси асептик некрози кон айланишнинг бузилиши натижасида, 1 тасида чанок сон бугими контрактураси булган.



10 та беморларда кустлар остидан кискартирувчи деторцияловчи, варизацияловчи остеотомия килиниб бугин чукурчаси тозаланди ва пешток томирланди, шулардан 8 тасида (80%) яхши натижа, 2 тасида 20%) коникарсиз натижалар олинган. 1 соха вага остеотомия килганда нотугри бурчак натижасида ва 1 та асептик некроз кон айланишнинг бузилиши натижасида.



Сонларнинг тугма чикишини жаррохлик усулида эрта даволаниб физиотерапевтик муолажалардан сунг оёқларида Виленский ёки гипсли распорка куйилиб уйига жавб берилди ва беморга 6 ойдан сунг юришга рухсат берилди.

Клиник мисол №1: Эргашева Мунира, 2010йил (касаллик тарихи № 3456).

Шикоятлари: шифохонага онасининг сузича унг оёка оксаб юришга юришни кийналишиг кеч юришга .


Anamnesis morbi: 1,5 ёшлигида оқсоқланиб юра бошлаганда сезишган. Касаллигини ҳеч нарса билан боғламайди, ҳеч қаерда даволанмаган. Онасининг сузича кейинги пайтда бола чап оёка оксаб юриши

ва кийналиб юришини сезиб болалар ортопедия булимига мурожиат килишгн у ерга клиник ва рентгенологик текширилиб Унг соннинг туғма чиқиши, ташхиси куйилиб оператив даволаш максадада болалар ортопедия булимига етказилди .

Anamnesis vitae: онасининг сузича 1-хомиладорликдан 1 фарзанд. Хомиладорлик ва тугрук муътадил кечган. Уз вактида тугилган. Тугрук асоратларсиз кечган. Тугилганда вазни 4100 гр, буйи 51 см .коникарли уй шроитида униб усган. Кариндошлари ва оила аъзолрига ирсий касалликлар йук. Дори дарионларга аллергияси йук.

Status praesens objectivus: умумий ахволи коникарли. Хуши узида. Териси ва куринарли шиллик пардалари одатдаги рангда. Нафас олиши эркин, бурун оркали. Упкасида везикуляр нафас эшитилади. Юрак тонлари муътадил. Пульс ритмик, 1 дакикада 90 зарба. Тили нам, тоза. Корни юмшок, огриксиз. Тахоратлари меъёрида.


Status localis: ташки курганда бола чап оксаб юради унг чапга нисбатан 3см калта катта куст унг тамондан Розер-Нелатон чизигидан юкорида.тери остидан пайпасланади. Шумахер чизиги киндикдан пастда утади. Лаборатор тахлиллар: узгаришсиз



Расм-15. Бемор Эргашева М, 2010йил (касаллик тарихи № 3456). Унг чанок сон бугими рентгенографияси, Операциядан олдинги тасвири.



Расм-16. Бемор Эргашева М, 2010йил. Унг чанок сон бугими рентгенографияси Операциядан 6 ойдан сунг тасвири.



**Расм-17. Бемор ЭргашеваМ,2010йил. Унг чанок сон бугими
рентгенографияси Операциядан 2,5 йилдан сунг тасвири.**

